

Милодий 1-5 асрлар Марказий Осиё тарихи кўчманчи кабилаларнинг кириб келиши, кабилалар итифоки юзага келиши-янги сиёсий кучлар пайдо бўлиши билан изохланади. Кидарийлар хусусидаги асосий маълумотлар Хитойнинг Бэйши солномасида хамда гарб муалиф-тарихчилардан бири Приск Панийский маълумотларида учрайди. Бэйши солномасида берилишича юечжилар хукумдор Цидоло (Кидар)жужанлар хужуми туфайли ўз кароргохини Боло (Балхан)га кўсирган. Кейинчалик шу манба хараб беришича Кидар Шимолий Хиндистонга юриш килиб Гандхардан шимолидаги 5 та давлатни ўзига буйсундирган. И. Маркварт, М.Мартинларнинг шу масала юзасидан тадкикотларига кўра (кўпрок тангашунослик маълумотларга таяниб), Кидар давлати кушонларнинг колдиги бўлиб, ўзларига пойтахт этиб жужанлар хужумидан дейилади. Юкоридаги тадкикцотчилар фикрича Кидар (баъзан Кидара) I5 асрда хукумронлик килган. Аввал бошда у Эрон шохи Шопур II га бўйсунган. Ок хунлар бостириб келиши билан ўз ўгли Пирони Пешаворда колдириб Шимолга йўл олган. Ок хунар билан кураш 400-йилларга тўгри келади, дейилади. Кидар Шопур II (309-379)нинг замондоши бўлиб аввал бошда кушонлар хокимиятининг давомчиси сифатида уларга бўйсуниб келган Хионийлар ёрдамида Бактрияда уларнинг хокимиятига чек кўйган. Хионийлар Эрон сосонийлари Бактрияни кайтариб ўз кўлларига тобеликка олишган. Баъзи бошка тарихчи-тадкикотчи олимларнинг фикрича Кидаррийлар шимолдан келган кабилалар иттифокидан ажралиб чиккан. Гурухлар деб тушунтирилади. Декин, юкоридаги фикрлар ва бошка хулосалар ахволни бошкачарок эканлигини кўрсатади.
Кидарийлар масаласи анча кам ўрганилган, тадкикодлар давом эттирилиши керак бўлган масаладир. Чунки юкоридаги манбалардаги маълумотларни(жумладан, Бэйши) кейинчалик бошка манбалар тилга орлинмайди. Хиндистонга (456 й) кетиб Гупта давлатини босиб олганларидан кейинги Кидарийлар тўгрисидаги маълумотлар деярли йўк хисоби. Факатгина улар Хиндистонда 75 йил хукумронлик килганлари, 447 йилда Ганхардан Хитойга елчилар юборганликлари маълум халос. Баъзи тадкикотчилар уларнинг шаркий Туркистондан кириб келган Кушонлар колдиги деб хам тушунтириш беришади. Шунингдек Кидарийларнинг марказий Осиёнинг жанубида хинонийлар билан бирга Эронга карши иттифокчилик харакатлари , тўгрисида хам турли тахмин ва фикрлар мавжуд.
15 аср ўрталарида Марказий Осиё ерларига шимолдан кўчманчи хион кабилаларининг хужуми бошланади. Тарихда улар “хионийлар” номи билан танилган. Хионийлар кадимги туркий хунну кабилаларига кардош бўлганлар ва гарбда кўпгина тарихчилар уларни “ок

хуннлар” деб атаганлар. Илк бор хонийлар (хонлар) Аммиан Марцеллин асарида тилга олинган. Унинг ёзишига караганда 346-47 йилларда Эрон шохи Шопур 2 ўз давлатининг шаркий кисмини бўлганлиги вактида, унга карши кушонлар ва хионийлар иттифоки жанг олиб борган. Марцеллининг кейинги хабарига кўра  Шопур “узокдаги халклоар хионий ва геланлар билан” иттифокчилик шартномаси тузган. Шунингдек, хионийларнинг 353 йилда Сўгд устига юриш килганликлари хам маълум.
4 асрнинг 60-70 йилларида Эрон билан муносабатлар яна кескинлашиб, Шопур 2 хионийлар билан кураш олиб боради ва икки маротаба енгилади.
Ёздигард 2 (438-457) даврида шимолидаги кўсманчилар билан кураш яна кучаяди.  Шу жангларда катнашган ва унинг замондоши бўлмиш арман тарихчиси Егише Вардапетнинг ёзишича, уларнингн Сосоний шохи “тўсатдан хонлар (яна, кушонлар деб хам аташарди) юртига хужум килди ва улар икки йил курашди ва уларни ўзига бўйсундира олмади”. “Ёдгор Зарерон” да хам хионийларни кушонлар билан бир деб кўрсатилади. Ёздигард 2 хатто ўз кароргохини кўчиришга хам мажбур бўлган. Лекин чегарадаги кескинлик узок вакт сакланиб турган. Вардапетнинг ёзишича 457 йил “Ёзсакланиб катта кўшин билан кушонлар юртига хужум килади. Кушон шохи курашмай оркага чекинади”. Ёздигард “кушонлар юртини” талаб оркага кайтади. Бошка бир тадкикотчилар фикрича Ёздигард 2 маротаба хионийлар устига юриш килган. Иккинчи жанга хионийлар томонидан ўлдирган.
Хитой манбаларидан эфталитларни “ида, йеда, идан, идян” деб, сурия ва лотин манбаларидан эса “эпталит, эфталит, адбал”, арман ёзувларида “идал, тетал, хептал”, араб ва форс муаллифлари “хайтал, йафтал, хетал”, хинд манбаларида “хуна” ва хоказо деб эслатиб ўтилади.
Хитойлик муаллифлар эфталитларни турклар (тукюе) билан боглик равишда таърифлайдилар. Византиялик тарихчилар, масалан Проколий (6 аср) фэталитларни хунлардан деб кўрсатар экан, “улар (яъни эфталитлар) хунлардандир, таналари эса ок” деб эслатади.
Эфталитлар билан сосонийлар ўртасида биринчи тўкнашувлар 5 аср 30 йиллардаёк содир бўлган эди. Арман тарихчиси Вардапетнинг маълумотига кўра 5 асрнинг 50-йилларига келиб эфталитлар иттифоки нихоятда кучайиб кетади. 456 йилдаёк эфталитлар ўз элчиларини Хитойга жўнатадилар. Эфталитлар тобора жанубига караб силжий бошлайдилар ва ўз навбатига жанубдаги кўшни Эрон билан муносабатлар кескинлаша боради. Сосонийлар билан хал килувчи карашлар даври шох Перуз (Феруз) даврига (459-484 йй.) тўгри келади. Тахминан 457 йили вахшунвор (ахшунвор) Эфталон бошсилигидаги эфталитлар Чагониён (Сурхондарё вилояти Термиз шахрининг шимолидаги ерлар), Тохаристон, Бадахшонда ўз хокимиятларини ўрнатадилар. 459 йили Эрон тахтига номи тилга олинган Перуз чикади.
Манбаларда Перузнинг хокимиятга келиши эфталитлар билан боглик равишда баён килинади. Нафакат Перуз, балки унинг акаси Хўрмўзд (457-459) хам эфталитлар ёрдамида тахтни кўлга киритгани маълум. Бундай холат бекорга юзага келмаган. Чунки Хўрмўзд ва Перуз ўз вактида тахт вориси сифатида сосонийлар давлатининг шаркий вилоятларини (Сейистондан Маргиёнагача бўлган худу) бошкарганлар. (Хўрмўзд 420-457 йиллари, Перуз 457-459 йиллари). Шу муносабат билан кўшни ўлка сиёсий, савдо доиралари билан якиндан муомалада бўлганлар.
Перуз эфталитларнинг кучайиб боришини вактинчалик деб билиб, улар кучидан Эрон тахтига келиш учун фойдаланган бўлиши керак. Аммо эфталитлар кудрати ошиб тез

орада улоар сосонийларга хам карши туришларини англаган Перуз эфталоитларга карши жангга киради. Бу тўгрисидаги маълу3мотлар “Бахмал-Яшта” да хам, араб тарихчиси ат-Табарийнинг асарларида хам учрайди. Перуз (459-484) 3 маротаба эфталитларга карши юриш килади.
Биринчи курашдаёк Перуз маглубиятга учрайди ва асирга тушади. Византия императори Зенон ўртага тушиб, уни озод килиб олади. Перуз чегарадаги Талкон (Таликон) шхарларини эфталитларга топширилган ва Вархрон 5 Бахромгўр белгиган чегарадан ўтмаслик мажбуриятини олади. Бу маглубиятдан хулоса чикариб олмай, у яна 2-мартоба эфталитлар устига юриш бошлайди.
3-чи урушда бахона бўлиб Приск Панийскийнинг маълумотича, Перузнинг эфталитларни алдаши хизмат килган. Перуз ўлпон тўлаб бўлгач, эфталитлар билан муносабатни янгилашга харакат килади. У эфталитларга сулх тузишни ва ўзининг эфталитларга тинч максадида “хунар хукумдорига” ўз таклифини кафолат сифатида синглисини унга турмушга беришлигини таклиф этади. 484 йили эфталитлар ва сосонийлар ўртасида охириги кураш бошланниб кетади. Бу кураш Марв якинида сосонийларнинг тугал маглубияти билан якунланади.
Араб тарихчилар Деноварий ва Табарийларнинг ёзишича Перуз ўз кўшинининг бир кисми билан пистирмадаги чукур хандакка тушиб кетган ва эфталитлар томон6идан тошлар билан уриб ўлдирилган эан. Унинг бутун лагери, хонадони,мол-мулки эфталитлар кўлига тушиб мусодара килинган. Бу курашдан сўнг Эрон устига огир ўлпон солинган.
Сосонийлар кудратига эфталитлар томонидан шундай килиб чек кўйилди. Эроннинг ўзида шу вактдга келиб ички сиёсий ахвол кескинлашиб кетди. Огир иктисодий килиб ахвол, кулчиликнинг емирилиши, соликларнинг ўсиши, куйи табакаларнинг кашшокланиши, урушдан кейинги хонавайронликлар натижасида норозилик харакатлари бошланиб кетди. Халк галаёнлари диний тус олиб, бу харакатларга Маздах бошчилик килди.
Маздак Хамдадон (470-529) зардуштийликнинг асл гояларини хаётга тадбик килмокчи бўлиб, ўз харакат мафкурасини яратди. Унинг таълимотчи кишилар бу дунёнинг нематларидан баробар фойдаланишлари лозим, шунингдек у ижтимоий хаётга жамоа хукукларини тиклаш, ер-сув, мол-мулкка баробар эгалик килиш, хамманинг ўзаро тенглигига эришиши лозим, деган гояни илгари суради. Маздак тарафдорларининг сони Эронда жуда кўплаб одамларни ташкил этди. Берунийнинг хабарига кўра, унинг ортидан минглаб кмшилар эргашдилар. Маздакийлар янги ижтимоий-иктисодий муносабат-феодализмнинг талабаларини олга сура бошланди. Маздакийлик харакати нихоятда кучайиб кетган Кубодшохнинг (489-531) ўзи у бмлан хисоблашишга мажбур бўлди. Кубот Маздак тарафига ўтиб уни Эроннинг бош кохини етиб тайинлайди. Маздак хокимиятини ўз кўлига киритиб олгач, унинг тарафдорлари охир-окибатда Куботни 496 йил тахтдан агдариб ташлаб зиндонга ташлайдилар.
Унинг ўрнига укаси тахтга чикади Кубот зиндондан кочиб Эфталитлар даргохидан панох топади. У ўз вактида эфталитлар хукумдорининг сингилига уйланган эди. Суриялик муаррих Ийшу Стилит эфталитлар хузуридаги Куботнинг ахволини шундай тарифлайди: “у кўзида ёши билан хар куни (эфталитлар хукумдоридан) лашкар билан кўллаб-куватлашни илтимос килардики, то яна давлат бошкарувини кўлга олсам” деб. Кубот эфталитлардан етарлича харбий ёрдам олиб 499 йил Эронга юриш килди. Чегарага етган пайтдаёк укаси буни эшитиб тахтни ташлаб кочиб кетади. Кубот шох I яна

тахтга ўтиради. Аввал махфий, кейинчалик ошкора маздакатл эттирилиб, унинг тарафдорларига карши аёвсиз кураш олиб борилади.
Куботнинг ўгли Хусрав I Анушервон (531-579) даврида кенг микёсли ислохотлар ўтказилиши билан бирга маздакийлар харакатига буткул чек кўйилади. Эфталитлар эса ўз кўллари остида Тохаристон, Бадахшон, Сўгд, Шаркий Туркистон ва Марказий Осийнинг бошка баъзи ерларини бирлаштирдилар.
Кубодшох эфталитлар билан деярли тинч-тотув яшади. У 502-506 йилларда эфталитлар билан иттифокчиликда Византияга карши юришларда хам Эфталитлар Марказий Осиё, Шаркий Туркистон, Шимолий Хиндистон, Шаркий Эронни бирлаштирган улкан давлатга асос соладилар. Кушон подшолиги худудларини хам яна ўз кўллапри остига бирлаштирдилар. Эфталитлар сосонийларнинг Ўрта Шаркдаги хукумронлигига чек кўядилар.
Эфталитлар давлати Марказий Осиё халклари тарихида мухим ўрин тутиб, кейинчалик ўз ўрнини 563-567 йиллардаги курашдан сўнг тарих майдонидаги янги сиёсий куч-Турк хоконлигига бўшатиб берди.
Илк ўрта асрлардаги Хитой манбаларида эфталитларнинг кўчманчи кабилалар эканлиги, уларнинг юртида шахарлар йўклиги, ўзлари ўтлокларда яшаганликлари таърифланади. Кейинги давр тарихчилар хусусан гарб манбаларида бошкача маълумотлар келтирилди.
Византиялик муаррих Прокопий Кесаркий (VI аср) шундай деб ёзади: “эфталитлар (салтанати) бир хукмдор оркали идора этилиб, ўз конуний (адолатли) давлатчиликларига эгадирлар. Ўзаро ва кўшниплар билан (муносабатларда) адолат меъёрини саклашда византияликлар ва форслардан хеч бири колишмайдилар”. Демак, эфталитлар даврида хам кушонлар давридаги каби салтанат якка хукпмдор томонидан бжошкарилган.
Хали кушонлар давридаёк ер ва кўргонларга эга бўлган аслзодалар ажралиб чика бошлаган, дехконлар махалий зодагонларга кўпрок тобе бўла бошлаган. Эфталитлар улкан худудда бошкарувни кўлга киритгач обод дехкончилик вохаларига, ривожланган шахарларга, савдо йўлларига эга бўлдилар. Вакт ўттиши билан эса махаллий ахоли билан аралашиб кета бошладилар. Натижада уларнинг бевосита ворисига айланади. Шу боисдан 568-569 йилларда Византия императори Юстин хузурида бўлган турк елчиси императорининг “Эфталитлар шахарларда яшайдилардими ёки кишлоклардами?” деган саволга “улар шахарллик сулолар, олий хазратлари деб жавоб берган”
Эфталитларнинг бир кисми кўчманчи чорвадор бўлса, асосий каттарорк кисми шахар ва кишлокларда яшайдиган ўтрок ахоли бўлган. Тохаристон ва Сугдда дехкончилик ва богдорчилик ривож топган. Кашкадарё ва Зарафшон водийларида галладан ташкари шоли хам етиштирилган. Хитой манбаларида капйт этилишича %6 асрларида хусусан Шаркий Туркистон ва Туркистон ерларида кўплаб гўза екилар эди. Марказий Осиёнинг пахта толаси Хитойда хам машхур бўлган. Тог ва тог олди ерларидаги ахоли йилкичилик билан шугулланган. Фаргона водийсида зотдор аргумоклар кўпайтирилар эди. Феодал муносабатларнинг таркиб топа бошлаши билан сугориладиган ер майдонларини маълум бир кисми мулкдор зодагон табака вакиллари-“дехконлар” кўлида тўпланар бошланган эди.
Бунинг натижасида кишлок жамоасининг еркин дехконлари маълум даражада зодагор дехконлар асоратига тушиб, уларга карам “кабивар” ларга айланмокда. Сугорма ерларнинг бир кисми ибодатхоналарни мулки хисобланган. Бундай ерлар “Вагинзе” деб

юритилган эди. Яйловларнинг асосий кисми оксокол зодагонлар кўлида бўлган. Эфталитлар орасида мол-мулк табакаланиши хам кучли бўлган. Улар орасида феодал муносабатлар шакилланиши билан бир каторда ибтидоий жамоа тузуми саркитлари хам сакланиб колган эди.

Хитой солномаларида кайд килинишича эфталитларда полиандрия (кўп ерлик) хам таркалган эди. Бир неча ака-укада умумий битта хотин бўлиб, унинг бошидаги калпогининг бурчаклари сонига кўра ака-укалар нечталигини билиш мумкин эди. Олий табака вакиллаари ичида кўп хотинлик одати айникса кенг таркалган.

Энг бой зодагонлар доимий хамрох сифатида 20 ва ундан ортик дўстларга эга бўлишган. Зодагон кафот этганда, коида бўйича дўстлари хам тириклигича кабрга кўйилган. Бэши солномасида ёзилишича, зодагонлар казо этган кавтда махсус тайёрланган тош дахмаларга, оддий эфталит мурдаси эса тупрокка кўйилган. Бу икки хил кўмиш жамиятининг синфий табакаланишидан далолат беради.

Зодагонлар киммаатбахо кийимларда юришган. Бу хакда Сон Юн ўз эсдаликларидан кайд килиб ўтади. Жиноятчилик килган шахс ким бўлишидан катъий назар боши кесилган, ўгирланган мол-мулк микдоридан катъий назар ўн баробар килиб ундириб олинган.

Эфталитлар кучли кўшинга эга бўлишган. Лашкарнинг асосий кисмини суворийлар ташкил этган. Суворийлар асосан гурзи ва килин билан куролланганлар. Хитойликлар уларни мохир камонбоз деб хам таърифлашган. Отлик кўшин асосий ахамият касб этган.

V VI  асрларга дехкончилик вохаларида эфталитларнинг ўтроклашуви кучаяди, бунинг окибатида сугорма каналлари казиб чикарилиб, минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Сугориш услуби такомиллашади, шохариклар чукурлашиб, серсув сугориш тармокларига айланган. Хозирги вактда хам мавжуд бўлган Захарик, Бўзсув, Даргом каналлари V асрда барпо этилган энг йирик сугориш тармокларидан бўлган. Шунингдек тог олдиларига сув чикариш учун сув  чикариш  асбобларидан ерларда зодагон дехконлоарнинг калин хом гиштдан уриб чикилган ва баланд пойдевори устига курилган улкан кўргонлари, истехкомлар юзага кела бошлаган.

Истехкомларнинг тўрт бурчаги билан буржлар билан мустахкамланиб, девору-мўрилари бир неча кфатор камондан ўк узгич нишон туйнуклари билан таъминланган. Калин мудофаали феодал кўргонлари илк ўрта асрнинг ўзига хос меъморчилик намуналаридан бўлиб, Нахшаб вохасидаги Захоки-Морон калъаси, Бухородаги Шахри Вайрон, Хоразмдаги Фир калъаси шулар каторидандир.

Вохаларни ташки душмандан химоя килиш максадида бир неча чакиримлаб калин деворлар барпо этилган. Самарканд          вохасидаги 12 та дарвоза эга бўлган Девори киёмат, Бухоро вохасидаги узунлиги 336 км. Ли Кампирак, Тошкент вохасидаги Кампирдевор истехком деворлари шулар жумласидандир.

Шу давр меъморчилигида касрлар курилиши айникса ахамиятли бўлган. Касрлар одатда 2 каватли, шипи текис, гумбасимон ва равоксимон ёпилган бир неча хонадан иборат бўлган. V асрдан бошлаб сарой, касрлар курилишда пахса ва хом гишт билан бир каторда кирпеч (пишик гиштлар) хам ишлатилина бошлаган. Сарой ва ибодатхоналар деворлари одатда рангдор тасвирлар билан безатилган.

Бундай тасвирий санъат намуналаридан бири Болаликтепа (Сурхандарё) касри деворларида кайд этилган. Бу нодир тасвирий санъат асарларида башанг кийинган аёл ва эркакларнинг зиёфати тасвири берилган. Расмлар катта дид махорат билан ишланеган.

Шу давр моддий маданият ёдгорлиги сифатида Хоразмда Тупроккалъа харобасини хам кўрсатиш мумкин. Бу калъа калин истехком деворига эга бўлиб, калъа ичидаги тўгри йўналтирилган кўчалар шахарни 10 та мавзега бўлиб турган. Шахарнинг шимоли-гарбий кисмида кўтарма супа устига хом гиштдан сарой курилган. Унинг ёнида арк биноси бўлган. Шунингдек 100га якин турар, кадимги Хоразм ёзувларида битилган 80 тадан ортик хужжатлар топилган.
Эфталитлар меъморчилигининг ажойиб намуналаридан бири Бухоро якинидаги Варахша саройи бўлган. Бу кўргон улкан тўртбурчак шакилдаги тепа устига курилган. Деворлари ганч килиниб, суратлар билан безатилган. Хоналар кенг-кенг бўлиб, калин деворлар билан бир-биридан ажралиб турган. Бу каср бухорхудотларнинг VI - VII асрларда кароргохи бўлган. Шунингдек Тошкент вохасидаги Октепадан, Жўн ариги якинидан, Пойкентдан ва бошка бир катор жойлардан эфталитлар даври ёдгорликлари топиб тадкик килинган.
Эфталитлар даврилда хунармандчилик хам ривож топган. Айникса кулолчилик, шишасозлик, чилангарлик, бўзчилик, заргарлик, куролсизлик касб-хунарлари равнак топган. Чочда ясалган ўк ва ёй “камони чочий” номи билан машхур бўлган. Катта-кичик ўахарлар сони кўпайган. Биргина Зарафшон вохасида Ривдад, Кушония, Хариман, Аркуд, Ромитон, Варахша, Пойканд каби савдо-хунармандчилик шахарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга кўра Пойканд шахри эфталитларнинг пойтахти бўлган.
Эфталитлар халкаро савдо сохасида Эрон, Византия, Хиндистон, Хитой билан савдо-сотик муносабатларини олиб боришган. Эфталитлар “Ипак йўли” ни назоратга тутишга харакат килганлар “Ипак йўли” савдосидаги ва умуман савдогарлар ичида Сугдлар етакчи ўринни эгаллаган эди. Бу пайтда Марказий Осиёда олтин, кумуш, бадахшон лаълиси, рангли шиша ва шиша буюмлар турли хил мевалар, ип газлама, кора кўл, зоттор тулпорлар билан савдо килинарди.
Аввал бошида Эфталитлар Сосонийлардан бўлган варахран V ва Перознинг кумуш тангаларидан ўзаро савдо-сотикда фойдаланар эдилар. Кейинчалик Эфталитлар Эрон шохи Варахран V Бахромгўр тангаларига таклит килган холда кумуш тангалар зарб килдилар. Бундан ташкари Бухоро, Пойкант, Самарканд, Хоразмдаги махаллий хокимлар томонидан чикарилган тангалар ички савдода кенг муомилада бўлган.
V - VI асрлардла диний эътикод ва тасавурлари билан узвий боглик бўлган тасвирий санъат сопол хайкалчаларни ясаш ва уларга топиниш кенг ёйилади. Сопол хайкалчалар жой турларига кўра турлича бўлиб кийим-кечаклар, юз сиймолари такинчоклари жихатидан хам бир-биридан фарк килган. Улкан худуддаги Эфталитлар жуда кўп халкларни ўзида бирлаштирганлиги сабаби диний эътикодлари турлича бўлган. Сугдда зардуштийлик кенг таркалган бўлса, Тохаристон ва Шаркий Туркистонда буддийликка эътикод килувчилар кўпчиликни ташкил этган. Шахарларда Насронийлар ва Яхудий жамоалари хам мавжуд эди. Молилик ва Маздак таълимоти тарафдорлари хам пайдо бўлаётган эди. Навруз куни Бухоро оташпараслари Сиёвуш кабри устида хўроз сўйиб курбонлик килар эдилар.
Жанубда Буддийлик таъсири кўпрок эди. Чорвадор ахоли Туркийча сўзлашганлиги сабабли Туркий тил тобора кўпрок ёйила бошлаган. Ўтрок ахолининг катта кисми сугдий тилда сўзлашар эдилар. Сўгд тили ва ёзуви етти сув, Фаргонадан ўтиб Шаркий Туркистонга кадар етиб боради. Унинг “Самарканд усули” кенг ёйилган эди. Бундан ташкари Хоразм Кхарошди, Бухоро ёзувлари хам мавжуд бўлган. Бундай ёзув ёдгорликлари Зангтепа, коратепа, Афросиёб харобаларидан Кофиркалъадан топилган.